

# МИЛЛИЙ КУТУБХОНАДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ



Абадбой Қиличбоев,  
Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси  
Илмий-методика ва  
тадқиқот хизматининг  
бош мутахассиси

Республиканинг  
барча ахборот-  
кутубхона  
муассасаларида  
29 497 нафардан  
ортиқ мутахассис  
фаолият юритади

**К**ейинги йилларда ахборот-кутубхона тизими фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларидан чуқур билим ва тажриба, касбий малакани талаб этади.

Бугунги кунда юртимизда вазирилик, идора ва ташкилотлар тасарруфида 12 мингдан ортиқ ахборот-кутубхона муассасалари мавжуд. Ушбу ахборот-кутубхона муассасаларида 29 497 нафардан ортиқ мутахассис фаолият юритади. Шундан олий маълумотлилар 20 фоизни, кутубхоначилик бўйича олий маълумотлилар 9 фоизни, ўрта махсус маълумотлилар эса, 71 фоизни ташкил қилади.

Кўриниб турибдики, ахборот-кутубхона муассасалари олий маълумотга эга кутубхоначилик мутахассисларга жуда ҳам муҳтож.

Ахборот-кутубхона муассасалари нафақат фойдаланувчиларга хизмат кўрсатади, балки аҳолининг маданий, маънавий, ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтиришга ҳисса қўшади. Улар аҳолига анъанавий хизмат кўрсатишдан замонавий ҳамда давр талаблари асосида қўшимча хизмат кўрсатишга ўтмоқдалар.

2013 – 2014 йилларда Илмий методика ва тадқиқот хизмати томонидан республикамізда мавжуд ахборот-кутубхона муассасаларининг мониторинги ўтказилди. Мониторинг натижаларини таҳлил қилганда ҳамда ҳудудларга ахборот-кутубхона муассасаларининг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш учун хизмат сафарлари уюштирилганда ушбу муассасаларда хизмат қилаётган аксарият мутахассисларнинг малака ошириши кераклиги маълум бўлди.

Ўқув машғулотларини ташкил этиш учун белгиланган тартибда тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ўқув режаси, машғулотларга ўқитувчиларни белгилаш, маъруза матнларини ва унга тақдимотларни тайёрлаш бўйича

ишлар яқунлаиб, раҳбарият томонидан тасдиқланди ҳамда 2014 йил 24 декабрдаги «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ахборот-кутубхона мутахассисларининг билим даражасини ошириш тизимини жорий қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 99-сонли буйруғи чиқди. Буйруқ асосида «Ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларига Ўзбекистон Миллий кутубхонаси технологияларидан фойдаланган ҳолда, услубий ёрдам кўрсатиш» ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Албатта, бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот-кутубхона фаолияти таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлайди. Шунингдек, ушбу даргоҳда ва Республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ҳамда айрим вилоятларда ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг малакасини ошириш курслари мавжуд.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси негизида ташкил қилинган машғулотлар жорий йилнинг 19 январь куни 17 нафар тингловчи билан ўз ишини бошлади.

Ўқув машғулотлари 25 тингловчига ва 5 кунга мўлжалланган бўлиб, жами 35 соатдан иборат. Дарслар гуруҳларнинг талаб ва таклифлари асосида ўзбек ва рус тилларида ўтказилади. Машғулотларни Миллий кутубхонанинг хизмат раҳбарлари ва мутахассислари олиб боришади.

Ўқув машғулотлари режасига ахборот-кутубхона фаолиятининг энг асосий йўналишлари киритилган. Буларга ахборот-кутубхона соҳаси қонунчилиги, ахборот-кутубхона фаолиятининг таркибий тузилмаси, миллий ва давлатлараро стандартларнинг қўлланилиши, кутубхона фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни тузиш методикаси, ахборот-кутубхона муассасалари фаолияти сифатини

аниқлашнинг принцип ва методлари, социологик тадқиқотларни ўтказиш (ҳужжатларни контент-таҳлили, сўровномаларни тузиш, ўтказиш, тадқиқот натижаларига кўра ҳисоботларни тайёрлаш), ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг янги шакллари (ресурсларни масофадан етказиб бериш, виртуал хизматлар ва бошқ.), имконияти чекланган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, кутубхоналарда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги, ахборот хавфсизлиги ва электрон ресурсларни яратиш (рақамлаштириш) ва сақлашни таъминлаш масалалари, фондларни тўлдириш ва электрон каталогларни тўғри юритиш каби маърузаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Вилоятлардаги мавжуд ахборот-кутубхона муассасалари бўйича эса, Андижон вилоятидан 3 нафар, Фарғона вилоятидан 24 нафар, Хоразм вилоятидан 21 нафар, Сурхондарё вилоятидан 4 нафар, Қорақалпоғистон Республикасидан 11 нафар, Тошкент вилоятидан 2 нафар, Тошкент шаҳридан 19 нафар, Бухоро вилоятидан 1 нафар, Навоий вилоятидан 5 нафар, Самарқанд вилоятидан 2 нафар, Наманган вилоятидан 2 нафар тингловчи кутубхонада ўз малакаларини оширдилар.

Хўш, шундай экан, Миллий кутубхонада ташкил этилган ўқув машғулотларининг афзалликлари нимадан иборат деган савол туғилиши табиий. Жойлардаги малака ошириш курсларини инкор қилмаган ҳолда, айтиш мумкинки, бу ерда тингловчилар назария билан амалиёт биргаликда олиб борилади. Яъни олган билим, кўникма ҳамда тажрибаларини жойнинг ўзида амалда синаб кўришлари ва мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар.

Ўқув курслари тингловчилари билан машғулотлар якунида икки қисм, 20 та саволдан



иборат саволнома бўйича курс натижаларини аниқлаш, келгусида малака ошириш курсини янада такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини билиш ҳамда курснинг олдига қўйилган вазифасини тўлиқ бажаришини аниқлаш мақсадида анкета-саволнома асосида тадқиқот ўтказилди.

Анкеталар таҳлил этилганда, ўқув машғулотлари тўғри ташкил этилганлиги ва ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини юқори баҳолаб, келажакда бу курсни икки ҳафтага узайтириш таклифи билдирилган.

Ўқув машғулотлари охирида тингловчиларга маъруза матнларининг тезислари, ахборот-кутубхона фаолиятига оид 15 та мавзудаги плакатлар ҳамда электрон ресурслар жамланган диск тақдим этилади. Тингловчиларга курсни ўтаганлиги ҳақидаги диплом берилади.

Охириги вақтларда Халқ таълими вазирлиги томонидан берилган таклифлар асосида тизимдаги ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг мутахассислари ўқув машғулотларига жалб қилинмоқда.

Албатта, Миллий кутубхонада ташкил қилинган ўқув машғулотларни тўлиқ малака ошириш курси дея айта олмасакда, лекин бу ерга келган тингловчилар ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўладилар.

Ўқув машғулотлари  
25 тингловчига  
ва 5 кунга  
мўлжалланган  
бўлиб, жами  
35 соатдан  
иборат

*Абадбой Киличбоев, главный специалист научно-методической и исследовательской службы Национальной библиотеки Узбекистана*

*В статье рассматривается деятельность Национальной библиотеки Узбекистана, проводимая научно-методической и исследовательской службой по организации повышения квалификации специалистов информационно-библиотечной сферы. Для работников информационно-библиотечных учреждений, не зависимо от их ведомственной принадлежности, в Национальной библиотеке организована учеба и повышение профессиональных знаний, а также различные тренинги и семинары, направленные на совершенствование знаний по всем направлениям информационно-библиотечной практики. Специалистами Национальной библиотеки Узбекистана был разработан специализированный учебный курс, состоящий из теоретических и практических занятий (35 академических часов), рассчитанный на 5 рабочих дней. В течение первого квартала были проведены занятия для 75 слушателей из различных регионов республики. После окончания курсов слушателям были вручены сертификаты и предоставлены различные учебные материалы в печатном и электронном виде. ■*